

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК:334.75: 33M(575.1)**

**РУСТАМОВ ЗАФАР ХУДОЙҚУЛОВИЧ  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТРАНСФЕР  
ҚИЛИШНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР  
ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ  
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИЯ ВАЗИРЛИГИ  
МИСОЛИДА)**

**5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)  
Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.н., доц. Қосимов С.С.**

**Тошкент – 2018**

Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар хал этилади: Хозирги жадаллик билан хукм суроётган бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган давлатларнинг инновацион сиёсатнинг олиб боришдаги тажрибалари билан яқиндан танишиш ва улардан энг муносибларин Ўзбекистон шароитида қўллаш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш. Мамлакатимизда инновацион сиёсатини янада кучайтириш, тадбиркорлар хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги фаоллиги оширишига сабаб бўладиган маълумотлар асосида тахлил қилинади.

The following major issues are solved in the dissertation: To get acquainted with the experience of the developed countries in the field of innovation policy in the conditions of the market economy with the current intensity, and to develop practical recommendations and recommendations on the application of the best of them to the conditions of Uzbekistan. The analysis is based on the information that will further strengthen the country's innovation policy, protect the rights and freedoms of entrepreneurs and increase their activeness in the society.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки  
химоядан ўтган. 19 онли баённома  
«21 » 05 2018 й.

Илмий раҳбар: Қосимов С \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ сана 11.05.18  
Магистр: Рустамов З \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ сана  
“Химояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

мудири, доц. И.Хотамов

“22” май 2018 йил

Химоя 2018 йил “23” 06 соат 1400 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b>	3
<b>1 БОБ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТРАНСФЕР ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Инновацион технологияларни трансфер қилишнинг моҳияти ва назарий асослари.....	12
1.2. Иқтисодий ўсишли таъминлашда инновацион технологияларнинг ўрни.....	25
1.3 Саноат корхоналарини инновацион фаолиятида технологияларни трансфер қилишнинг хорижий давлатлар тажрибаси.....	29
Биринчи боб бўйича хулоса.....	48
<b>2 БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ (ВА ИНТЕЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ МИСОЛИДА)</b>	
2.1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги фаолияти ва унинг кўрсаткичлари таҳлили.....	49
2.2. Инновацион технологияларни транфер қилиш борасидаги ишларнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	55
2.3. Инновацион технологияларнинг миллий иқтисодиёт таркибидаги таҳлилий кўрсаткичлари.....	63
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	69
<b>3 БОБ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТРАНСФЕР ҚИЛИШНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	
3.1. Инновацион кластерлар асосида янги технологияларни трансфер қилишнинг ривожланган давлатлар тажрибаси.....	71
3.2. Ўзбекистонда инновацион технологиялардан фойдаланишни янада такомиллаштириш йўллари.....	77
Учинчи боб бўйича хулоса.....	85
<b>ХУЛОСА ва ТАКЛИФЛАР</b>	87
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	90

## **КИРИШ**

**Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Тадқиқотнинг долзарблиги жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида технология алмашинувининг роли, дунё мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва мураккаблаштириш ва трансмиллий репродукция тизимларини шакллантиришда миллий рақобатбардошликтни оширишдан келиб чиқади. Жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланиши, унда юз берадиган жараёнларнинг глобаллашуви мустақил тадқиқот майдони сифатида технология алмашинувининг ўрни ва ролини таҳлил қилишни янада чуқурлаштириш зарурлигини талаб қиласди.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар кабул килинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.<sup>1</sup>

Бугунги кунда мамлакатимизда жадаллик билан хукм сураётган бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган давлатларнинг инновацион сиёсатнинг олиб боришдаги тажрибалари билан яқиндан танишиш ва улардан энг муносибларни Ўзбекистон шароитида қўллаш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Самарали инновацион сиёсатини юритиш иқтисодиётнинг барча тармокларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва макроиктисодий барқарорликка эришишга таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Амалга оширилаётган инвестицион ва инновацион сиёсат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ривожида ва умуман иқтисодий сиёсатда муҳим рол ўйнайди.

Инновацион сиёсатнинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашга, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи 2017 йил 22 декабр